

## **БАДИИЙ ТАФАККУР ПОЭТИКАСИДА НОСТАЛЬГИЯ ВА БАДИИЙ ТИЛНИНГ КОМПОРАТИВ ҚИРРАЛАРИ**

**Тожибоев Мусо,**

*ЎзДЖТУ профессори, филол.ф.д (DSc).*

[musajants@gmail.ru](mailto:musajants@gmail.ru)

**Зарпиллаева Шахло,**

*ЎзДЖТУ Ўзбек тили ва адабиёти*

*кафедраси стажор-ўқитувчиси*

[www.zarshahlo@gmail.com](http://www.zarshahlo@gmail.com)

***Аннотация.** Мақолада бадиий адабиёт намуналари асосида бадиий тафаккурнинг шаклланиши доирасида муҳим категория бўлган макон ва замон тушунчаларининг ассоциацияси очиб берилган.*

***Калит сўзлар:** Бадиий вақт, поэтика, ностальгия, реалия, макон, замон, тақвимий, архилексема, архифакт, архисема, архетип.*

***Аннотация.** В статье на примерах художественной литературы раскрывается ассоциация понятий пространства и времени, которая является важной категорией в рамках формирования художественного мышления.*

***Ключевые слова:** Художественное время, поэтика, ностальгия, реальность, пространство, время, календарь, архилексема, архифакт, архисема, архетип.*

***Annotation.** The article reveals the association of the concepts of space and time, which is an important category within the framework of the formation of artistic thinking, based on examples of fiction.*

***Key words:** Artistic time, poetics, nostalgia, reality, space, time, calendar, archilexeme, archifact, archiseme, archetype.*

Бадиий тафаккур борлиқнинг инсон онгида акс этган аллегорик воқелиги. Инсон ҳар қанча улуғ, кўп қиррали бўлмасин фақатгина бадиий тафаккур орқали борлиқни яхлит ва бир кўринишда қамраб олади. Акс ҳолда инсон борлиқнинг макон ва замон параметрларини тўлақонли ҳис қила олмайди. Энди савол туғилади: тафаккурни тушунса бўлади-ю, нега энди у “бадиий” атрибутини олиш керак, деган. Бунда аввало биз борлиқнинг яратилганлигини, уни Яратувчиси борлигини ҳамда уни яратган Зот, уни ўзгартира олиши ёки йўқ қила олиши мумкинлигини назарда тутамиз.

Арабча “бадиий” термини ёки “поэтика” юнонча [poetike] – 1) адабиёт назариясининг бадиий асарлар структурасини борлиқнинг тизим ва тарихий қонуниятлари асосида ўрганадиган бўлими; 2) бадиий адабиётда алоҳида бадиий тамойиллар ва турли оқимлар, йўналишларнинг ёки алоҳида

ижодкорнинг ўзига хос тамойиллар ёки белгилар инъикоси. “Бадиият” ёки “бадийлик” бажарилган поэтика маънолари билан талқин қилинади.

“Поэтика” ёки “бадий” терминидан ясалган “бадий тафаккур” борлиқ воқеа - ҳодисаларининг инсон онгида аллегорик акс эски этиши бинобарида уни ҳис қилиш, тушуниш, акс эттириш ва уни ўзгартира олиш салоҳиятини камраб олади. Буларнинг барчаси санъатнинг парадигматик хусусиятини акс эттиргани ҳолда арабча санъат - “яратиш”, “бор қилиш”, “ўзгартира олиш” маънолари доирасида ётади.

Бадий тафаккурнинг энг муҳим қирраси борлиқни тасаввурга кўчириш орқали уни кўланкага айлантириш ва кўланкага айланган борлиқнинг параметрларини инсон тасаввурида қайта ва қайта ярата олиш ҳамда ўзгартира олиш имкониятларини шакллантиришдан иборат. Бунда тасаввурга кўчирилган борлиқ яхлит ва ягона воқеликка айланади, ундаги барча воқеа – ҳодисалар инсонга бўйсунадиган имконият даражасига келтирилади ҳамда иждоқор уларнинг воситасида ўзи табиий ёки ижтимоий борлиқнинг параметрларини белгилайди.

Аллоҳ дунёни яратганда унинг асосига илмни қўйди. Одам илм ва унинг асосларини ўрганиш орқали борлиқни кашф қилади. Борлиқ бир бутун ва яхлит яратилган, уни инсон ақл ва илм орқали эгаллайди. Борлиқнинг барча нуқталарини бир йўла ва тугал эгаллашда инсон фақатгина ўзига хос бўлган ҳиссиётга асосланади. Ақл ва илм ҳиссиёт орқали эгалланган борлиқни бошқаради. Бу ердаги муҳим момент - инсон борлиқни эгаллаш орқали Аллоҳнинг ўзига хизмат қилади. Инсон борлиқни бошқариш санъатини ўзи кашф қилади. Герменевтика мана шу санъат намунасини ўрганишга қаратилган фан. Биргина мисол: ёлғиз имон сўзида бутун олам мужассам. Унинг тагига етиш учун мавжуд тарихий ва замонавий билимларнинг барча атрибутларини ишга солиш керак.

Ностальгия борлиқнинг замон ва макондаги чексизлиги атрибути. Айнан ностальгия абадий борлиқдаги ўчмас қадриятларнинг сақланиши, эсланиши – ёдда тутишни ўргатиш борасида умумбашарий қадриятларни инсон сиймосида объективлаштиради. Қадриятларнинг энг мукамалларини рамзий тушунчалар орқали инсоннинг ўзидан топади унинг ўзига тақдим қилади.

Борлиқнинг макон ва замон мутаносиблигининг турли ҳолатларини ўрганиш борасида фалсафада астрономик вақт, реал вақт ва бадий вақт каби терминлар қўлланади. Бадий адабиёт воқелиқнинг бадий инъикосига



асослангани боис унда реалиялар, воқеликдаги шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар хроникаси, тартиби реал вақт динамикасидан ўзгача бўлади.

Бадиий асарларда бадиий вақт ва бадиий тилнинг муқоясавий қирраларини ўрганиш усуллари кўпдан бери мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бадиий вақтни ўрганиш турлари ва усуллари ишлаб чиқиш кундалик долзарб муаммоларидан биридир. Ҳозирга қадар бадиий асарда акс этган вақтни астрономик вақтга ёки реал вақтга муносабатларини ўрганишнинг турли усуллари илгари сурилган. Уларга мувофиқ асар тилида вақтга хос айрим воқеа-ҳодисаларнинг шаклланиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳам алоҳида поэтик муносабатларни қайд қилиш ва тайёргарликни талаб қилади. Академик В.В.Виноградов бошчилигида бир гуруҳ олимлар бадиий вақт ва бадиий асар тилини ўрганиш масаласига алоҳида бир соҳа сифатида қарашни таклиф қилганлар. Бироқ бу борада ҳали бирон бир қатъий фикрга келинган эмас. Ҳозирга қадар бадиий тилни ўрганишнинг ягона критерийлари ишлаб чиқилган эмас. Шу боис бадиий вақтнинг бадиий тилга муносабати муаммоси ҳам ҳали ҳануз ҳал қилинмаган.

Бадиий вақт таҳлили асарда образлилик даражасининг кенгайтирилган имкониятларини талаб қилади ҳамда бу ҳол бадиий тил билан мувофиқ ҳолатда инсоният алоқа тизими эстетик дунёқарашининг алоҳида кўриниши сифатида талқин қилинади ҳамда алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Бу борада янги давр тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш ҳақидаги назарияларни ҳам эътиборга олиш лозим. Унга кўра тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисиدير. Тилнинг бундай атрибути унда ҳар қандай реалияларнинг макон ва замонда чексиз трансформация қила олиш имкониятини беради. Психологик герменевтика тилнинг айнан мана хусусияти орқали реалиялар инъикосининг эфемер манзаралари билан фантазия яратади.

Нутқ эса, реалиянинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, воқеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган моддий қобикқа эга бўлган ҳодиса. Ушбу назария тарафдорлари шу ўринда тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятларини чегаралаш хусусида меъёр категориясини ҳам илгари сурадилар.

Бадиий асар нутқ ҳодисаси сифатида қаралгани боис унда акс этган реалиялар тараққиётини ҳам вақт, хроника муаммоси ва тартиби доирасида

унинг тил хусусиятлари билан мутаносибликда кузатиш ҳам бевосита асарда образлиликнинг янги манзараларини кашф қилишга хизмат қилади. Бироқ биз кўп ҳолларда бадиий нутқни бадиий тилнинг автоном намунаси эканлигини ҳисобга олмаймиз. Демак, бадиий нутқда бадиий вақт ва тилнинг бир кўриниши намоён бўлади, холос.

Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” асарида бир инсон тақдири умумбашарий мезонларда бутун инсоният тақдирининг энг муҳим қирралари, бурилиш нуқталари акс этган бир асрга тенг вақт мезонлари бир кунлик воқеалар ракурсида очиб берилганки, улар сиқик қисқа бир вақт оралиғида улкан ҳаётий ҳолатларнинг изоҳи учун имконият яратган. Психологик аспектда бадиий вақт бадиий тилдаги сўзларнинг, аниқроғи сўз маъноларининг трансформациясига асосланади. Унинг бадиий тилга таъсири тилнинг семантик-стилистик мезонлари доирасида шаклланади.

Азнаурова Э.С. ўзининг тадқиқотларида шундай хулосага келадики, “агар (бадиий тилда) семантика сўзнинг маъносини билдирса, прагматика унинг сўзловчиси мақсади, сўзланиш шароити ва мақсадли нутқнинг таъсирчанлиги самарасини очиб беришга интилади... Сўзнинг вазифа бажариш имкониятлари муаллиф мақсадига бўйсундирилганда сўз белгисининг тўрт типи ажратилади: ядро, периферия, ахборотли ва прагматик семалар”.<sup>1</sup> Азнаурова тадқиқотларида бадиий вақтнинг лингвопрагматик контекст муаммоси ҳам назарда тутилган. Хусусан, у ёзадики, “шундай қилиб, лингвопрагматик контекст бу-нутқ занжирининг вақтга татбиқан бўғинидир. Унда фаол бирликларнинг прагматик мазмуни намоён бўлиши учун керакли вербал сигналлар пайдо бўлиш замони мужассам бўлади. Сигналлар сифатида сўзнинг маъно – мазмуни прагматик компонентининг ёки окказионал прагматик маъно шаклланиши жараёнида (уларнинг эксплицит лисоний репрезентацияси ҳолатида) контекстда ўзининг коммуникатив – прагматик параметрларнинг ўзини акс эттирувчи ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин.

Прагматик ахборот сигналлари ўзининг вербал репрезентациясидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда прагматик контекст экстралингвистик факторларни: “шароит ҳолати”, “фонли” ёки “маданий савия”, “замон ва макон” кабиларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳолатларда контекст фонли коммуникатив билимнинг суммаси (мағзини) ўз ичига олган ҳолда ҳамда маълумотнинг барча билвосита кўринишларининг кодини очиш орқали, бинобарин, уларни ақл доираси имкониятлари ва матн тил маркерлари

<sup>1</sup> Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. –Т: 1998. стр. 29-34.



ёки тил сигналларидан ташқаридаги пресуппозиция базасини ҳам мужассам қилади”<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлар мужассаами баробарида шундай хулоса чиқариш мумкинки, ностальгия, макон ва замон, бадий асар тили алоҳида тадқиқотлар предмети бўла олар экан, бунинг учун қуйидагиларни асос қилиб келтириш мумкин:

1. Бадий асар яратилиши жараёни индивидуал ижод билан боғлиқ, яъни ижодкор таланти, шахсий қобилияти, унинг ижодий ғояси ва бадий тафаккурининг ҳамда бадий асар яратилаётган макон ва замони меваси. Бадий асар алоҳида инсон ижодий фаолиятининг ўша даврдаги фаолияти меваси сифатида ҳали умумхалқ тили, адабий тил доирасига кирмайдиган сўз ва сўз маъноси орқали ғояларини ҳам қамраб олади. Бу ҳол бадий асар архитектуроникаси ижодийлигининг энг муҳим мезони сифатида белгиланиши лозим.

2. Янги давр бадий адабиёти инсоният жамиятининг кўзгуси сифатида ўзининг функционал доирасини тубдан ўзгартирган. Унинг аввалги фақатгина бир давр, замондаги санъат намунаси сифатидаги функцияси бадий адабиёт функцияларидан бирига айланиб қолган, холос. Янги давр бадий адабиётида кенг қамровли бадий вақт критериялари унинг илмий-прагматик услуби билан боғлиқ ҳолдаги ракурслари пайдо бўлиши унинг жамият, илм-фан ва умуман мавжудлик функциялари даражасини ғоят даражада ўзгартириб юборди. Хусусан, саргузаштнома, саёҳатнома асарлари география, океанология, зоология, ботаника, биология билан боғлиқ кашфиётларни ўзида мужассам қилгани ҳолда нафақат бу борадаги маълум илмий ғоялар, назарияларни, балки ҳали илмга номаълум бўлган кўплаб гипотезаларни ҳам тарихан диахрон муносабатларда ижтимоийга аренага олиб чиқди.

3. Бу борада яна космонавтика, физика, кимё, жамиятшунослик, маиший, ҳарбий мавзудаги романларда илгари сурилган ғоя ва фикрларни инобатга олсак, бадий асарда акс этган бадий вақт ва бадий тилнинг ижтимоий онг тараққиётидаги ўрни ва роли нақадар улкан эканлиги маълум бўлиб қолади. Қолаверса, ҳозирги даврда жамиятшуносликка оид жуда кўп ҳодисалар ҳам бадий асарда ўз аксини топмоқда.

4. Умумхалқ тили бирон – бир миллат, халқ номи ва савияси билан боғлиқ. Ўша халқнинг менталитети, илмийлик савияси, жаҳонда тутган ўрни умумхалқ тилининг ички ва ташқи даражасини белгилайди. Бадий тил миллий

<sup>2</sup> Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. –Т.: 1988. стр. 58.

қобикдан ҳоли ҳодиса сифатида бадиий асарнинг умуминсоният мулки эканлиги билан асосланади. Бинобарин, бадиий адабиёт умуминсоний қадриятлардан бири сифатида баҳоланади. Навоий, Шекспир, Данте, Пушкин, Сервантес кабиларнинг дохиёна асарлари замон ва макон ёки миллий қобикларни тан олмайди. Бадиий асар умуминсоний қадриятга айланар экан, унда илгари сурилган ғоялар, кашфиётлар бутун инсоният мулки бўлиб қолар экан, бадиий тил ҳам бирор бир халқ тили ёки тарихи билан чегараланиб қолмаслиги керак. Улар инсоният тарихининг деярли барчап вақтларига ва жамиятнинг барча қобикларига тегишли. Бадиий асарнинг бирор-бир халқ тилида, миллий тилда яратилиши унинг ташқи қобиғини белгилайди, холос.

Ҳар бир халқнинг миллий менталитети унинг маданияти, маданий савияси, аниқроғи, “ўзлигининг” савияси билан боғлиқ. Бадиий адабиёт маданиятнинг бир кўриниши сифатида унинг намоён бўлиш усулларидан бири ва бинобарин, энг муҳим усулидир. Ҳар қандай бадиий асар умуминсоний маданият мулки бўлиши билан бир қаторда у миллатлар орасидаги маданий, этнографик, диний ва бошқа хусусий белгиларни бир миллатдан иккинчи миллатга ўзлаштирилишида энг муҳим восита ҳамдирки, бу ўринда асарда акс этган диахрон ёки синхрон вақт оралиғидаги воқеа-ҳодисалар унинг мавжудлик белгиси ҳисобланади. Зеро, ҳар бир миллат ва ҳар бир инсоннинг маданий савияси унинг тилида намоён бўлади.

Бадиий тафаккур бадиий асардаги реалиялар вақти ва макони, уларнинг тараққиётини лингвистик элементлар билан таъминлашга боғлиқ тил хусусиятлари демакдир. Унга мувофиқ юқоридаги гипотезалар бадиий вақт ва бадиий асар тилининг мутаносиблик қирраларини ўрганишнинг хусусиятлари аниқлаб олинганидан сўнг маълум бўлади-ки, мавзу, реал вақт, бадиий вақт, сўз шакли ва унинг ғояси асарда маълум бир шакл (сўз шакли ёки сўзнинг товуш таркиби, грамматик ва лексик-семантик ҳолати) нинг ҳам оригинал истифода қилинишини талаб қилади. Истифода қилинган тил шакллари миллий ёки индивидуал тил ресурслари имкониятида ётади.

Тилнинг тасвирий ифода воситалари асарда ўзига хос шаклда қўлланиши ижодкорнинг индивидуал услуби ҳисобланади. Ғоя тил шаклида бўлади. Ўқувчи бу тилни қандай қамраб олади? Ёки қандай тушунади? Тушунилиши давомида бадиий асар санъат намунаси сифатида ўқувчида керакли эмоционал ҳис-туйғу ёки психофизиологик ҳолат - ностальгия уйғота оладими – йўқми, шу ҳолатни яшаш учун ижодкор қандай мавзу, ғоя, шаклни танлаши ва уларга мувофиқ қандай тил ресурсларидан фойдаланиши керак, Асар архитектурониқаси



қандай тузилганда бадий ғоянинг изчиллиги муваффақиятли бўлади? Худди шу ҳолатлар сўзсиз бадий асарнинг муваффақияти замирида ётади.

Бадий асар-индивидуал ижод меваси. Бинобарин, ижодкор ўз луғавий бойлиги доирасида асар архитектоникаси тузади, асар тилини безаш, шакллантириш учун янги лингвопоэтик воситалар яратиш мобайнида оригинал бадий – тасвирий воситаларга муружаат қилади, тилнинг луғавий имкониятларини кенгайтиради.

Асарда сўзларнинг адабий шаклини истисноли бузиб кўрсатиш ижодкорга муаллиф ёки қаҳрамоннинг индивидуал қалб манзаралари, психологик кечинмалари мундарижасини очиб беришга хизмат қилади. Хусусан, Англия модернизм адабиёти отаси Ж.Жойснинг «Улисс» романида бир инсон тақдири жамият тақдирига айланар экан, унинг бир кунлик тақдири узиб олинган ҳолда кўрсатилади. Бинобарин, қаҳрамонлар монологи баён қилинар экан, сўз, фразалар узиб қўйилади, гаплар тумтарок, яримта-юримта шаклларда берилади, айрим бандлар фақат нукталар билан берилган. Бундан мақсад қаҳрамон онгида юз бераётган психологик жараёнларнинг аниқ фотокопиясини таъминлашдан иборат эди<sup>3</sup>.

Ҳаёт ҳамиша кўп қиррали. Бир хил муҳитда ҳар ким нисбатан ҳар хил яшаши, бири иккинчисига ўхшамас тажриба, ҳис-туйғу орттириб бориши табиий. Ёзувчи яратадиган тасвирларда юқоридаги омиллар билан биргаликда ана шу-хусусий ҳаёт тажрибалари, дунёқараш, воқеликка муносабат, симпатия-антипатия, идеал, этик-эстетик концепцияларнинг ҳам муҳри бўлади. Шунга кўра, услуб доимо ўзига хослик, индивидуаллик ҳодисаси сифатида юзага чиқмоғи керак. Услубсизлик биринчи навбатда, талантсизликни, қолаверса, яна маҳоратсизликни англатади. “Услуб бу-санъаткорнинг ўзидир”, деган афоризмнинг маъноси ҳам шунда<sup>4</sup>.

Юқоридаги бадий тафаккур доирасида ностальгия, бадий тилнинг компоратив қирралари доирасида бадий вақт ва бадий тилнинг ўзаро поэтик, стилистик мутаносиблиги имкониятлари таҳлили бадий асарни ўрганишнинг нақадар улкан муаммолари мавжуд эканлигини кўрсатиб беради. Улар ечимини топиш жараёнида замонавий адабиётшунослик бадий тафаккурнинг янги йўналишларини яратишга интилади.

<sup>3</sup> Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. –Москва: 1975. стр. 381-388.

<sup>4</sup> Ўша жойда: 149-бет.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
2. Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.
3. Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики// Хорижий филология. – Самарканд: СамГИИЯ, 2007. – №3(24). – С. 5-6.
4. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
5. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994.
6. Нурманов А. Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.- Т.: 1992.
7. Нурманов А. Тил ҳақида синтактик назариялар. –Т.: 1988.
8. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика: Учеб. Пособие. – Мн.: Тетра Системс, 2004. – 293 с.
9. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Ж.: «Сангзор нашриёти», 2006. – 91 б.
10. Стернин И.А., Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М.: «Восток-запад», 2007. – 314 с.
11. Galperin I.R. Stylistics - М., 1977.
12. Bloomfield L. An Introduction to the study of Language. N.Y. 1914 p Buranov J.B, Yusupov U.K, Mskulov M.T, SodikoV A.S. The grammatical structure of English, Uzbek and Russian. Tashkent, Ukituvchi PH, 1986.